

Навбатдаги ифторлик тадбири ўтказилди



Юртимиз бўйлаб Муборак Рамазон ойи ўзининг шукуҳи ва файзи билан давом этмоқда. Мана шундай файзли кунларда вилоятимизнинг барча ҳудудларида аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламлари, кекса ва нуронийлар учун ифторлик дастурхонлари ёзилмоқда.

Термиз туманидаги навбатдаги ифторлик дастурхони "Истиқлол" маҳалласи фуқаролари учун "Бахтбек" тўйхонасида ташкил этилди.

Тадбир давомида имом-хатиблар томонидан ўтганлар ҳақида бағишланиб қуръон тиловат қилинди. Шунингдек, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, халқ фаравонлигини сўраб нуронийларимиз дуога қўл очишди.